

Шавкат ДҮСТМУҲАММАД

СҮНГИ ТОМЧИ СУВ

Болалар театри учун пьеса

Қисқа тафсилот:

Ям-яшил қишлоқ. Одамлар шод-хуррам. Саҳна ўртасида булоқ бор. Бир бола булоқда сув камаяётганини сезиб қолади. Одамлар эса унинг гапига парво қилмайди. Аста-секин булоқ қуриб, атроф қовжираган сариқ тусга киради. Бундан қутулиш учун айрим одамлар аҳмоқона ечимлар ҳам тақлиф қилишишади. Улар фақат баҳслашишади, аммо ҳеч нарса қилишимайди. Болалар эса ҳаракатга тушишишади. Донишмандинг ёнига бориб маслаҳат сўрашади. Шунда донишманд Асқар тогининг чўққисидаги горда мезон дараҳтининг илдизлари орасида нур таратиб турадиган муқаддас томчи борлигини айтади. Болалар минг машаққат билан ўша тогга чиқиб, сўнгги томчи сувни топшишишади ва ортга қайтишаркан, жуда кўп саргузаштларга дуч келишишади. Улардаги сувни ғараз ниятли одамлар қўлга киритмоқчи бўлиб ҳужум қилишишади. Табиий оғатлар қуршовида қолишишади. Аммо болалар таслим бўлмай, ҳамма синовларни енгигиб, сўнгги томчи сувни келтириб булоққа томизишишади. Булоқдан сув чиқиб, қишлоқ яна обод бўлади. Катталар ҳам айбини тушуниб етади. Улар кўчатлар экишини, сувни тежаб ишлатиш учун маҳсус ускуналар ўрнатишни бошлишишади. Чунки Асқар тогидаги горни тош босиб қолганди. Энди ҳеч қандай муқаддас сув йўқ. Сўнгги томчи сув билан қайта жонланган булоқни энди асрарига бутун инсоният мажбур! Акс ҳолда бутун дунё сувсиз қолишига маҳкум бўлади!

Қатнашувчиар:

Болалар: Омон, Эсон, Тотув, Қувонч.

Катталар: Сувлибой, Сувчибой, Мироббой

Шунингдек: Омоннинг онаси, Донишманд, Довул, Занг, одамлар.

Биринчи қўриниш

Омон (асосий қаҳрамон), Эсон, Тотув, Қувонч (Омоннинг дўстлари),
Омоннинг онаси, қишлоқ оқсоқоли, катталар (оддий қишлоқ кишилари)

Саҳна марказида булоқ бор. Ундан шаффоф ва покиза сув чиқиб турибди. Атрофда ям-яшил дараҳтлар, гуллар, кушлар сайрайди. Қишлоқ аҳли шод-хуррам, ҳар ким ўз иши билан банд. Улар орасида болаларни ҳам, катталарни ҳам учратамиз. Катталар сувни исроф қилиб ишлатаетгани ҳар бир ҳаракатида кўринади.

(Болалар қувлашиб, ҳаммаси ҳар томонга қочади. Омон эса булоқ ёнига келиб, унга тикилиб қолади. Ҳаммани қувлаётган Эсон келиб Омонни тутиб олади ва хурсандлигидан қийқираади)

Омон (*булоқдан күз узмай*). Нега булоқда сув камайган? Олдин овоз чиқарып турарди, ҳозир эса... жим. Атрофидаги майсалар ҳам сарғая бошлагандай.

Эсон. Ютқазиб қўйиб, энди шу баҳонани топдингми?

(*Омон сувни қўли билан ушлаб кўради, камлиги сезилади.*)

Омон. Мен жиддий айтяпман.

Эсон. Ҳа, чиндан камайганга ўхшайди.

Омон. (*Чақириб*) Она! Она! Қаранг, булоқда сув камайибди!

(*Онаси унга яқинлашиб, сувга бир қараб, кулиб қўяди.*)

Она. Ҳа, Омонжон, бу оддий ҳол. Баъзан шундай бўп туради. Хавотир олма. Ўйинингни ўйнайвер.

(*Омон нигоҳини булоқдан узмайди.*)

Омон. Лекин бу гал сув анча камайган.

(*Бошқа болалар ҳам келишиади.*)

Тотув. Юринглар, чўмиламиз! Қаранглар, кун қандай қиздиряпти!

Омон (*болаларга*). Сув камайиб кетяпти! Сезяпсизларми?

Кувонч (*шўхлик билан*). Ҳа, сув ҳам бекинмачоқ ўйинимизга қўшилиб, бекиниб олган бўлса керак-да!

(*Ҳамма кулади*)

Эсон. Омон рост айтяпти. Яқинроқ келиб ўз қўзларинг билан бир кўринглар.

(*Болалар булоқ бошида тўпланади*)

Қишлоқ оқсоқоли (*катталарап билан саҳнага чиқиб келиб*). Эртага катта зиёфат қиламиз. Булоқ очилганининг минг йиллигини ўтказамиз. Ҳамма тайёргарлик қўрсин!

Омон (*хавотир билан*). Оқсоқол, сув кескин камайяпти, қаранг! Нимадир қилиш керак.

Оқсоқол (*ҳайрон*). Омон, бу булоқ минг йилдан бери бор. Сув дегани бир камаяди, бир кўпаяди. Бу дегани қуриб қолади деганимас-ку. Боринглар, нарёқда ўйнанглар.

(*Омон хомуши бўлиб қолади. Болалар тарқала бошлайди. Бирдан ҳамма нарса тез содир бўлаётгандай туйилади. Шиддатли воқеалар ичидаги фақат Омонгина булоқ тенасида қимирламай турарди. Бу шиддат ичидаги одамларнинг зиёфатга тайёргарлик қўриши, болаларнинг ўйинлари, булоқ сувининг тобора камайиб бориши ва аста-секин тун чўкиши воқеалари тезлик билан акс этади. Бу орада қушлар сайраши ҳам секинлайди. Тун чўкиб, ҳамма тарқалади. Фақатгина Омон булоқ тенасида ўшандай ўйга толиб ўтирибди.*)

Омон (*ўзича*). Йўқ, бу қандайдир ғалати. Қандайдир шубҳали. (*Саҳна қоронгилашади*)

Иккинчи кўриниш

Омон, Эсон, Тотув, Кувонч, Омоннинг онаси, Қишлоқ оқсоқоли, қишлоқ катталари ва бошқалар.

Саҳна ёруғлашганда атроф сап-сариқ рангга кирганини кўрамиз. Дараҳтлар, гуллар хазон бўлган. Булоқда сув буткул тўхтаб, қақраб қолган. Қушлар умуман сайрамайди. Булоқ тепасида Омон ҳалиям ўшандай ўтирибди. Одамлар ташвишли ва асабий қиёфада аста-секин унинг атрофига йиғилади.

Омон (*шивирлаб*). Булоқ бутунлай қуриди...

Эсон (*хафа оҳангда*). Кеча камая бошлагандаёқ нимадир қилсак бўларкан...

Кувонч. Бобомнинг айтишича, булоқ минг йилдан бери бирор марта ҳам куримаган экан.

Тотув. Ҳа, ҳеч қачон тугамайди деб ўйлаган нарсаларимиз ҳам тугаркан...

(*Кишлоқ катталари ўзаро тортиша бошлайди.*)

Сувлибой. Булоқ қурибди! Энди нима қиласиз?! Бирор нарса денг, Сувчибой.

Сувчибой. Бунга кимдир айбор бўлиши керак! Ким айбор, айтинг-чи, Сувлибой? Балки, тунда келиб бирор киши булоқни ёпиб қўйгандир. Тош-пош ташлаб, масалан. Эҳтимол, мана бу болалар қилгандир?

Мироббой. Менимча, булоқнинг сувини исроф қилганимиз! Ҳаммамиз аямай беҳуда сарфлаб юргандик-ку! Нега энди болалардан қўряпмиз айбни?

Сувлибой. Яххиси, Мироббой, кутиш керак! Ҳамиша оқиб турган булоқ бирдан тўхтаб қолиши мумкин эмас!

Сувчибой. Балки, бирор маросим ўтказиш керакдир? Сувчақириқ маросими, масалан. Ҳамма жойга сув сепиб чиқайлик. Шунда ер остидаги сувлар ўз-ўзидан тепага чиқиб келади.

Мироббой. Қизиқмисиз, Сувчибой? Бир томчи ҳам сув қолмаган-ку.

Сувчибой. Ахир нимадир қилиш керак-ку! Қишлоқ сувсиз қолди.

Сувлибой. Келинглар, булоқнинг оғзига оғзимизни қўйиб, (*ичига нафас ютади*) “ффиپ-ффиپ” деб сувни сўриб кўрамиз. Балки, шунда сув чиқар. (*Томошибинларга*) Сизлар нима дейсизлар? Қани, биргаликда (*ичига нафас ютиб*) “ффиپ-ффиپ”!

Сувчибой. Йўқ! Ундан кўра булоқни кумга тўлдирайлик-да, қайтадан қазайлик!

Омон (*жим эшишиб туриб, сўнг қаттиқ*). Бас қилинглар! Наҳотки бу гапларнинг ҳеч бири фойдасиз эканини тушунмаяпсизлар?

(*Катталар унинг гапини эшиштмай, тортишишида давом этади.*)

Она (*Омонга*). Ўғлим, улар сени эшишишмайди. Катталар барибир ўз билганларини қилишади.

Омон (*хафа*). Лекин улар факат гапиришяпти, ҳеч нарса қилишмаяпти...

(*Болалар бир жойда йигилиб, булоққа тикилишади.*)

Эсон. Омон, агар нимадир қилмоқчи бўлсанг, биз сен биланмиз.

Омон. Менимча, булоқнинг суви шунчаки қуриб қолмаган. Бунинг сирли бир сабаби бор. Донишманд бобони топишимиз керак.

Кувонч. Ҳа, эсингдами, у бизга ҳар доим табиат сирлари ҳақида гапириб берарди!

Тотув. Келинглар, вактни кеткизмай уни топайлик!

(Болалар шиижсоат билан жонланади. Катталарнинг тортишиуви эса борган сари кучаяди, улар бир-бирини айлашдан чарчамаяпти.)

Сувчибой (асабий). Кимdir айбдор бўлиши керак-ку ахир?!

Мироббой. Ҳеч ким айбдор эмас! Табиат шундай яралган бўлса, биз нима қила оламиз?!

Сувлибой. Келинглар, йиглаймиз. Кўз ёшларимиз бир жойда йигилса, булоқни тўлдиради! Бироз тинса, кейин ичса ҳам бўлади.

(Ҳамманинг ундан ҳафсаласи пир бўлади)

Қишлоқ оқсоқоли: Йўқ! Бу ечим эмас. Бошқа чора топишимиз лозим. Ахир бугун булоқ очилганининг минг йиллигини нишонлашимиз керак!

(Болалар бир-бирига қарашиади. Омон жиiddийлик билан бош қимиirlатади)

Омон. Биз булоқни албатта қайтарамиз!

(Болалар биргаликда донишмандни топиши учун томошибинларни оралаб тарқалиб кетади. Катталар эса ҳамон тортишишида давом этмоқда. Улар ҳавонинг қуруқлигидан йўтала бошлишади. Шиддатли мусиқа эшиитилиб, саҳна секин қоронғилашади.)

Учинчи қўриниш

Омон, Эсон, Тотув, Кувонч, Донишманд бобо, Қишлоқ оқсоқоли, катталар.

Узоқдан қуриб ётган булоқ қўриниб турибди. Саҳнада донишмандинг уйи. Омон ва унинг дўстлари саҳнанинг бир чеккасидан шошилиб чиқиб, ҳовлига кириб келади. Донишманд ҳовлисидағи қум бархани устида қақраган булоқ томон ўйчан қараб ўтирибди.

Омон. Донишманд бобо! Бобо!

Донишманд. (ошиқмай). Биламан, булоқ қуриди. *(Болаларга юзланиб)* Болаларим... мен кеча булоқнинг сўнаётиб аччиқ-аччиқ йиглаганини эшиитдим.

Эсон. Нима қилсак бўлади, бобо? Қишлоқ сувсиз қолди!

Тотув. Катталар бир-бирини айлаш билан овора. Улар ҳеч нарса қила олмаяпти!

Донишманд (чукур хўрсиниб). Бу қишлоқ минг йиллик тарихга эга. Аммо биз шунча йиллик сабоқни уқмадик.

Омон. У қандай сабоқ эди, бобо?

Донишманд. Сувдай сероб дедик, сув сероб эмас. Сувтекин деб гапирдик, сув текин эмас. Йилларки булоқдан сув оқиб ётди, ундан унумли фойдаланмадик.

Омон. Мана энди ҳеч қаерда сув йўқ.

Қувонч. Ҳатто бир томчи ҳам.

Донишманд. Бор! Бир томчи сув бор. Муқаддас томчи. Асқар тогининг чўққисидаги ғорда «муқаддас томчи» бор. У сув – булоқларнинг юраги. Агар уни топиб, олиб келолсангиз, булоқ яна жонланади.

Омон (жиддий). Биз топамиз! У ерга қандай боришимиз мумкин?

Донишманд. Мен-ку йўлни айтаман, лекин бу иш жуда машаққатли ва хатарли. Тоғлар сирли тўсиқларга бой, йўл эса узок. Ҳатто катталарнинг ҳам бунга юраги бетламайди.

Эсон (қатъий). Лекин биз қараб ҳам туролмаймиз! Биз ҳозироқ йўлга чиқамиз. Тўғрими, болалар?

Болалар. Тўғри! Йўлга чиқамиз.

Донишманд. Болаларим, қарорингиз қатъий бўлса, менинг насиҳатимга кулоқ тутинглар. Бу синовлар сизларни пишитади. Йўлда ақл, жасорат ва бирдамлик сизларга мадад беради. Шунга амал қилинг.

Тотув. Бирдамлик бизда етарли!

Омон. Айтинг, бобо, у ерга қандай борилади?

Донишманд (қўли билан ишора қилиб). Мана шу қирлар ортига ўтсангиз, Асқар тоғи кўринади. Унинг энг баланд чўққисига чиқасизлар. Ғор оғзидан нур таралиб туради. У ердаги мезон дараҳтининг очиқ илдизидан муқаддас томчи йилда бир марта томади. Уч кундан сўнг у ерга етиб боролсангиз, томчини қўлга киришишга улгурасиз.

Қувонч. Бошқа йўл йўқми, бобо?

Донишманд (бош силкитади). Йўқ.

(Бир зум сукут. Болалар бир-бирига қарашади, юзларида шижоат балқ уради)

Омон (қатъий). Биз албатта уddeлаймиз!

*(Болалар унинг гапини тасдиқлаганча шошиб чиқиб кетишади.
Донишмандинг ортидан дуо қилганча қараб қолади.)*

Донишманд (ўзича). Катталар қила олмаган ишни болалар албатта уddeлайди. Бу табиатнинг ўзгармас қонуни...

(Саҳна бир зум қоронгилашади ва яна ёришади. Ҳовлида қишилоқ катталари пайдо бўлади.)

Омоннинг онаси. Қуруқ тортишувдан фойда йўқ. Донишманддан маслаҳат сўрашимиз керак.

Оқсоқол. Тўғри. Булар ҳеч қандай ечим тополмайди! Кўп баҳслашдик, энди ишга ҳам ўтишимиз керак.

Сувлибой. Оқсоқол, менда бир таклиф бор. Булоқ атрофини бетонласак, оғир тошлардан қўйиб ташласак, сув чиқар? Тасаввур қилинг, ер тагида сув бор. Ҳамма томонини бостирангиз, бир жойидан чиқади-ку.

Мироббой. Ақлдан озибсиз, Сувлибой.

Сувчибой. Болаларни ҳам топишимиз керак.

Омоннинг онаси. Эҳ, болам, қаерлардасан?

Мироббой. Ана, ана улар! Қирдан ошиб, Асқар тоғига чиқиб кетишияпти!

Омоннинг онаси. Омон! Тўхтанглар!

(Омон ва унинг дўстлари томошибинлар орасига юриб, саҳнадан узоқлашиб боришади).

Донишманд. Уларга ишонч билдиринг! Ҳеч қачон болаларнинг эзгу мақсадларига ғов бўлмаслик лозим!

(Саҳна қоронгилашади. Қувончи ва шиддатли мусиқа янграйди)

Тўртинчи қўриниш

Омон, Эсон, Тотув, Қувонч, Довул ва Занг (ёвузлар), табиат овози.

Асқар тоғидаги ғор тевараги. Қаттиқ шамол турган, тошларнинг думалаётган овозлари эшитилади, атроф тим қоронғи. Ғор ичидаги мезон дарахти илдизлари ва марказда нур таратаётган “муқаддас томчи”.

(Болалар тошли йўлдан зўрга юқорига кўтарилиб, ғор ёнида тўхташади)

Омон (ҳовлиқиб). Биз уддаладик! Улгурдик! Ниҳоят! Ғор шу ерда!

Эсон. Биз қўрқанчалик қийин эмас экан бу иш.

Қувонч. Балки, ҳали ҳаммаси олдиндадир...

Эсон (ишионқирамай). Ана ўша нур!.. Ана, қаранглар!

Қувонч. Менимча, томчи шу ерда!

Тотув. Шошилайлик!

(Болалар ғор ичига кириб кетишиади. Мезон дарахти илдизлари орасидан нур таралиб турибди.)

Омон (секин). Бу ўша! Донишманд бобо айтган муқаддас томчи!

Эсон. Ҳеч қачон бундай тиник томчини кўрмаганман.

Тотув. Ичиб қўйгим келди.

Омон. Эсингни йиф!

(Болалар эҳтиёткорлик билан томчини кичик идиишга жойлаб олишади. Бир зум сукут.)

Эсон. Болалар, биз уддаладик!

Қувонч (қувониб). Энди булоқ жонланади!

Тотув. Тезроқ қайтишимиз керак!

(Болалар гордан чиқиши билан бирдан қаттиқ шамол овозлари янграб, атроф баттар қоронгилашади. Улар юриб келган томондан душманлар пайдо бўлади.)

Довул (*ҳарсиллаб*). Ҳа-ҳа-ҳа! Мана улар! Занг, уларни тут!

Занг (*тараддуланиб*). Улар ҳеч қаерга кетолмайди. Ҳаммаси чангалимда!

Омон. Сизлар кимсизлар? Бизни ўтказиб юборинглар!

Довул. Шундоғам қўйиб юборамиз. Бизга сизларнинг керагингиз йўқ. Бизга муқаддас томчи керак.

Эсон. Нега ўзларинг келиб олмадиларинг унда?

Занг. Бу томчи анойи эмас. Бизни кўрса илдидан ташқарига чиқмайди. Фақат яхши одамлар уни чиқариб олиши мумкин.

Довул. Сизлар эса уни бизга олиб бердингиз.

Омон. Агар минг йиллик булоққа олиб бормоқчи бўлсангиз, беришимиз мумкин томчини.

Занг. Нима, биз аҳмоққа ўхшаймизми? Биз уни сотамиш! Бир сандик тиллага сотамиш! Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа!

Эсон. Сизларга бериб қўймаймиз уни! Биз қишлоқни қутқаришимиз керак!

Довул (*ташланиб*). Бизни ҳеч ким тўхтата олмайди!

(Ёвузлар болаларга шиддат билан яқинлашади. Болалар томчини ҳимоялаш учун жисп бўлиб туриб олишади. Уларнинг бирдамлик билан ҳаракат қилаётгани яққол сезилади.)

Қувонч. Муқаддас томчини сизларга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ!

(Шамол кучаяди. Душман уларга кучлироқ ҳамла қила бошлайди.)

Занг. Биздан қочиб қутулиб бўпсиз!

(Болаларнинг ҳеч қандай имконияти қолмайди. Занг улардан томчини тортиб олади.

(Шу пайт гор ичидағи илдизлар аста-секин уйғона бошлайди ва оғир тошлар бирин-кетин қулайди.)

Довул. Бизни ҳеч нарса тўхтата олмайди!

(Чақмоқ овозлари эшишилади. Кутимагандан катта тошлар думалаб келиб, душманлар устига ётирилиб кела бошлайди. Довул ва Занг тошларга чап бериб, ўзларини улардан олиб қочади.)

Қувонч. Қаранглар! Табиат биз томонда!

(Ниҳоят ёвузлар тошлардан сақлана олмай қолади. Бирин-кетин тошлар уларга урилиб, чақмоқ уриб, шамол силталаб ташлайди. Зангнинг қўлидаги томчи солинган идиши учиб кетади. Уни Омон тутуб олади.)

Довул (*Омонга*). Томчини бизга бер! Йўқса ҳаммамиз тош остида қоламиз!

Омон. Йўқ! Биз ҳеч қачон таслим бўлмаймиз!

(*Довул ва Занг ҳолдан тояди. Кочмоқчи бўлганда илдизлар уларнинг йўлини тўсади. Илдизлар болалар томон думалаётган тошларни ҳам тўсиб қолади.*)

Довул. Кочдик!

(*Душманлар тоғдан сакраб, зўрга қочиб қолишиади. Улар томошибинлар оралаб қочганча югуришиади.*)

Тотув. Биз ғалаба қилдик!

Эсон. Бирдамлигимиз ғалаба қозонди!

Кувонч. Дўстлигимиз ғалаба қозонди!

Омон. Тезлик билан қайтишимиз керак! Фор қулаши мумкин!

(*Болалар томчи идишини маҳкам ушлаганча югуришиади. Горни эса тошлар босиб қолади. Мезон дараҳти ҳам, илдизлар ҳам тошлар остида қолади. Шиддатли мусиқа янграйди. Саҳна қоронгилашиади. Сўнг нур кўринади. Бу нур Омон қўлида тутиб турган муқаддас томчи солинган идишидан таралаётганди.*)

Бешинчи кўриниш

Саҳна ёришади.

Қишлоқ. Қуруқшаган ва хароб аҳволдаги булоқ. Атроф баттар сарғайган. Чанқаб, сувсизликдан абгор аҳволга келган қишлоқ аҳли булоқ бошида судралган кўйи юришибди.

Сувлибой. Мен бир чорасини топдим!

Сувчибой. Э, қўйсанг-чи. Ўзи ҳаммасига сен айбдорсан. Бир кунда ўн марталаб чўмиласан.

Сувлибой. Сен эса бир кунда беш литрлаб сув ичасан.

Болалар ҳансираф етиб келиб, қўлларида муқаддас томчи солинган идиш билан булоқ тепасида пайдо бўлишади.

Омон (*чарчаган оҳангда*). Биз келдик!

(*Қишлоқ аҳли карахт. Омон томчини булоққа томизади. Бир зум жисмлик. Сўнг булоқдан сув отилиб чиқади! Шиддатли ва қувноқ мусиқа янграйди. Атроф яшилликка бурканади, қуилар сайрайди. Болалар қувонч билан сувда сакраб ўйнашиади.*)

Оқсоқол. Булоқ қайтди... биз бундан тўғри хулоса чиқаришимиз, ўзгаришимиз керак!

(*Саҳнада донишманд пайдо бўлади, у сувга қараб бош чайқайди. Қишлоқ аҳли унга юзланади.*)

Донишманд (*жиддий ва таъсирчан оҳангда*). Энди ҳеч қандай муқаддас томчи йўқ. Фор ҳам, илдизлар ҳам тошлар тагида қолди (*сукут. Ҳамма донишманднинг сўзини англаб, ҳайратда*). Сўнгти томчи мана шу булоқда. Энди бу сувни асрамасак, бошқа ҳеч қачон сувимиз бўлмайди. Бу сувни асраш – ҳаммамизнинг бурчимиш.

(Бир зум болалар ва катталар бир-бирларига қарашади. Сўнг жисплашишиади).

Омон. Асраймиз!

(Ҳамма қўлига кўчат олиб, ўтқазишига тайёргарлик кўради. Катталар ҳам сувни тежайдиган маҳсус ускуналар ўрнатишига киришишиади).

ТАМОМ.